



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 8 февраль, № 27 (5194)

Сешанба

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон ва Кунчиқар юрт халқларининг дўстлик ришталари, савдо ва маданий алоқаларининг тарихи Буюк Ипак йўлининг ривожланган даврларига бориб тақалади. Ушбу мамлакатнинг энг шарқий нуқтаси япон императорларининг кўхна пойтахти Нара шаҳри бўлиб, 2010 йилнинг октябрь ойида мазкур шаҳарнинг 1300 йиллиги кенг нишонланди. Кушон давлатининг энг эътиборли динларидан бири саналган буддавийлик эрамининг I-VI асрларида Ўзбекистон ҳудудига тарқалиб,

кейинчалик Ўрта Осиё халқларининг қадриятлари ва анъаналари билан бойиган ҳолда, Хитой ва Корея яриморолари орқали Япония ороллариғача бориб етгани икки халқ ўртасида умумий тарихий илдизлар мавжудлигига далилдор. Япониянинг машҳур мусаввири, Тошкент шаҳрининг фахрий фуқароси Икуо Хирояманнинг "агар Япония буддавийлик маданиятининг шарқий томони бўлса, у ҳолда кўхна Ўзбекистон замини унинг шарқий томонида", деган сўзлари муҳим аҳамиятга эгадир.

гига қабул қилинишини қўллаб-қувватлайди. Япония, ўз навбатида, Президент Ислом Каримовнинг Ўрта Осиёда ядро қуролидан холи ҳудудни ташкил этишга оид таклифини маъқуллаган.

Мамлакатларимизнинг сиёсий соҳадаги алоқалари ҳақида гап кетганда, Япониянинг Ўрта Осиё мамлакатлари билан кўп қиррали ҳамкорликини ривожлантиришга доир ташаббусларини айтиб ўтиш жоиз. Ўзбекистоннинг минтақадаги геосиёсий аҳамияти эътирофи ўлароқ ҳамда мамлакатимиз билан ҳамкорликини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар доирасида Япония 2004 йилда "Марказий Осиё + Япония" мулоқот шаклидаги ҳамкорлиқнинг янги босқичини илгари сурди. У қуйидаги бешта йўналиши: сиёсий мулоқот, минтақа ичидаги ҳамкорлик, савдо ва сармоявий ҳамкорликни рағбатлантириш, интеллектуал мулоқот, маданий алоқалар ва инсон ресурслари алмушуви каби соҳаларни ўз ичига олади.

Терроризм ва гиёҳванд моддаларнинг тарқалишига қарши кураш, атроф-муҳит муҳофазаси, минтақада савдо ва сармоялар ҳажмини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар қисқа ва ўрта муддатли вазифалар этиб белгиланди.

2010 йил 7 августда Тошкентда мазкур Мулоқотнинг Япония ташқи ишлар вазири Кацуя Окада иштирокидаги Ташқи ишлар вазирларининг учинчи йилгилиши муваффақиятли ўтди.

Халқларимиз ўртасидаги узоқ ўтмишга бориб тақалуви яқин алоқалар Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг муҳим омили сифатида бугунги кунда ҳам давом этиб келмоқда.

Япония Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 28 декабрда эътироф этди ва 1992 йил 26 январдан бошлаб мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Мустақиллик эълон қилингандан сўнг Ўзбекистон — Япония муносабатлари сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарилди. 1994 йилнинг май ойида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Японияга уюштирган дастлабки расмий ташрифи ўзаро ишонч ва икки мамлакат халқларининг маънавий қадриятларига нисбатан ҳурматга асосланган дўстона алоқаларни ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратди.

Мамлакатимиз Президентининг 2002 йил июль ойида Японияга уюштирган иккинчи ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот руҳида жадал ривожланмоқда.

тўғрисида қўшма баёнот имзоланди. Хужжатда томонларнинг дўстона муносабатлар ва стратегик шерикликни тенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик тамойилларига мувофиқ ва халқро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрлари асосида ривожлантиришга тайёриги ўз ифодасини топган. Савдо-сотиқ, сармоялар, таълим ва бошқа соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Япония бош вазири Жонъити-

ро Коидзумининг 2006 йил август ойида мамлакатимизга уюштирган расмий ташрифи Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга янги туртки бўлди.

Ўзбекистон ва Япония турли халқасосида муносабатларни халқ этишида яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда ва дунё сиёсатининг кўплаб масалаларида ўхшаш нуқтаи назарга эга. Ўзбекистон Япониянинг БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари

## Дўстлик кўприги

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги алоқалар барча жабҳаларда, жумладан, маданий-гуманитар соҳада ҳам Президентимиз Ислом Каримовнинг 2002 йилда Японияга расмий ташрифи чоғида имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот руҳида жадал ривожланмоқда.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон — Япония маркази мамлакатларимиз ўртасида бу йўналишдаги ҳамкорлик жадал тараққий этаётганига яхши мисолдор.

2001 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган мазкур марказ тadbirkorлик соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш, ахборот алмашини, тил ўрганиш, дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

## Соғлом авлод — соғлом келajak

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида барча соҳалар қатори табибёт тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳам оқсак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди.

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ академик В. Воҳидов номидagi Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида давлатимиз раҳбари маърузасида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашга бағишланган республика амалий конференцияси бўлиб ўтди. Унда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, шифокорлар, таълим, маҳалла тузилмаси ҳамда касабга уюшмалари вакиллари иштирок этди.

(Давоми 3-бетда).

## Сув таъминоти яхшиланди

БУХОРО шаҳрини ичимлик суви билан таъминловчи Шохруд иншооти реконструкция қилиниб, бу ерда бир кеча-кундузда 100 минг метр куб суви тиндириш қувватига эга янги технологик линия ишга туширилди.

Шунингдек, 114 километр узунликдаги сув қувурлари тўлиқ янгиланди.

Эътироф этиш кераки, Жаҳон банкининг молиявий кўмагида амалга оширилаётган ушбу лойиҳа доирасида 18 миллион 17 минг АҚШ долларилик сармо сарфланди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Коллежда кичик корхона

САМАРҚАНД. Пастдарғом туманидаги Чархин ижтимоий-иқтисодий жамоаси янгиликка қўл урди.

Гап шундаки, коллеж қошида кичик тикувчилик цехи ташкил этилди. Ҳар масканида эгаллаган билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаётган ўқувчилар бу ерда ўзлари тайёрлаган 2,5 миллион сўмлик дастлабки бежирини либосларни ички бозорга чиқаришди. Шунингдек, маскан қошида ярим гектарлик майдонда боғ барпо этилган. Паррандачилик фермаси ҳамда муъжаз иссиқхонани ҳам коллеж ўқувчилари юриштирмоқда.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида "Намунали милиция таянч пунктлари" республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Халқ таълими вазирликлари, "Маҳалла" жамғармаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилган тадбирда вилоят босқичларида голибликни қўлга киритган 14 та милиция таянч пункти жамоаси иштирок этди.

## НАМУНАЛИ МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИ

Уларнинг юртимиз осойишталигини таъминлашдаги ўрни тобора ошиб бормоқда.

Маълумки, ҳозирги кунда мамлакатимизда 3 минг 500 дан зиёд милиция таянч пункти самарали фаолият юритиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов таъкидлаганидек, бу мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар самарасидир.

Милиция таянч пунктларининг 70,5 фоизда миллий хунармандчилик тўғрисида, 68,5 фоизда кичик бизнес шохобчалари, 84,4 фоизда эса зарур анжомлар билан жиҳозланган спорт майдончалари ташкил этилгани ҳам буни тасдиқлаб турибди. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 майдаги "Ижтимоий кўника марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори анча қўл келмоқда.

Негаки, унда милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш белгилаб берилган бўлиб, унинг ижроси таъминлаш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётди.

— Анъанавий тарзда ўтқа-

## Танлов

зиб келинаётган кўрик-танлов милиция таянч пунктларининг жамиятдаги иштирокини кенгайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир, — дейди Ички ишлар вазириликнинг олдчи олиш бош босқичлари матбуот котиби, подполковник У. Тўймабоев.

Танлов талабидан келиб чиқиб, уларнинг атрофида кичик бизнес шохобчалари, болалар ва спорт майдончалари ҳамда хунармандчилик тўғрисида қай даражада ташкил этилганлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги самарали фаолиятига ҳам кенг урғу берилди. Жамоалар томонидан кўрик-танловда тақдим этилган фотоальбомлар, видеотасмалар, таянч пунктлари қошидаги кичик бизнес шохобчаларида ишлаб чиқарилган турли маҳсулотлар ва бошқа қизиқарли маълумотлар томошабинлар ҳамда ҳайъат аъзоларида илиқ таассурот қолдириди.

(Давоми 2-бетда).

## ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

корхоналар фаолиятидаги ўсиш суръатларида نموён бўлмоқда



СУРАТДА: "Sarruna Textiles" Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси операторлари Наргиза Назарова ва Барчиной Боймуродова. Қахрамон КҮННОЗОВ олган сурат.

## Инвестиция

Иқтисодий таъминнинг барча жабҳаларида барқарор ривожланиш ва юртимиздаги осойишта ҳаёт хорижий сармоядорларни ўзига жалб қилмоқда. Буни кейинги йилларда республикамизнинг турли ҳудудларида янги корхоналар мисолида яққол кўришимиз мумкин. Хусусан, Сирдарё вилоятида ҳозир 38 та ана шундай корхона фаолият юритмоқда. Улар томонидан 2010 йили 49 миллиард 478 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 15 миллион 50 минг АҚШ долларилек экспорт амалга оширилгани шундан далолат беради.

(Давоми 2-бетда).

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — БОШ МЕЗОН

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислом Каримовнинг жорий йил 21 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган прокуратура органларининг вазифалари, шунингдек, мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги 2010 йилдаги фаолияти яқунлари муҳофаза қилинди.

Утган йилда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва иш билан таъминлаш соҳаларида қонунийликни тўлиқ таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқлари кафолатланиши ҳамда уларга иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида тўланиши жараёнида йўл қўйилаётган қонунбузарликларни бартараф этиш чоралари кўрилгани қайд этилди.

Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг аниқ ва сўзсиз ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, тadbirkorлик фаолиятининг ривожланиши йўлидаги маъму-

рий тўсиқлар ва бюрократия ҳолатларини аниқлаш ҳамда бартараф этишнинг зарур чоралари кўрилгани таъкидланди.

Хайъат мажлисида жорий йил 21 январь куни Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Бош прокуратурага бу масалада берилган топшириқлар видеолаёҳаси намойиш этилиб, вилоятлар, туманлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларга ҳамда

Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари бошлиқларига ундан хулоса чиқариш, топшириқнинг сўзсиз ижросини таъминлаш, тadbirkorларнинг эркин фаолият кўрсатишига ҳар қандай ноқонуний ара-лашувлар, ривожланиши йўлидаги маъмурий тўсиқлар ва бюрократия ҳолатларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича қатъий талаблар қўйилди.

Шунингдек, мазкур субъектларнинг молия-ҳўжалик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашув иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича давлат сиёсатида зид хатти-ҳаракат сифатида баҳоланиб, қондабузарларга нисбатан қонунчиликда белгиланган жавобгарлик чораларини қатъий қўллаш борасида топшириқлар берилди.

(Давоми 2-бетда).

## Сарҳисоб

Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари бошлиқларига ундан хулоса чиқариш, топшириқнинг сўзсиз ижросини таъминлаш, тadbirkorларнинг эркин фаолият кўрсатишига ҳар қандай ноқонуний ара-лашувлар, ривожланиши йўлидаги маъмурий тўсиқлар ва бюрократия ҳолатларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича қатъий талаблар қўйилди.

Шунингдек, мазкур субъектларнинг молия-ҳўжалик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашув иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича давлат сиёсатида зид хатти-ҳаракат сифатида баҳоланиб, қондабузарларга нисбатан қонунчиликда белгиланган жавобгарлик чораларини қатъий қўллаш борасида топшириқлар берилди.

Гулистон шаҳридаги калава ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Mili Gulistan Textils" Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси бундан уч йил аввал ташкил этилган эди. Яратилган имконият ва қўлай инвестициявий муҳит туфайли бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми тобора ортиб бораётди.

— Бу борадаги ижобий ўзгаришлар, айниқса, 2010 йил якунида яққол кўзга ташланди, — дейди корхона директори ўринбосари Равшан Ғаниев. — Янги корхонамизда ўтган йили 1400 тонна пахта толаси қайта ишланган, 1232 тонна калава ишланган, хорижа эса 3 миллион АҚШ долларилек маҳсулот сотил-

ди. Бунда, табиийки, корхонамизнинг модернизациялаш ишларига 9,52 миллион АҚШ долларилек инвестиция жалб қилинган ҳамда Италиядан 860 минг евролик янги ускуна келтирилгани қўл келди. Шунингдек, ишни уч сменда ташкил этганимиз қунийлик ишлаб чиқариш ҳажмининг 4 тоннага етишини таъминлади.

Айни кунларда бошқа жиҳозларни монтаж қилиш ишлари давом эттирилмоқда. Бу ишлар ниҳоясига етгач, ишчиларимиз сони 300 нафарга, ишлаб чиқариш қуввати эса бир кеча-кундузда 12, бир йилда 4320 тоннага етади.

## ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ИСТИҚБОЛИ

"Қизилқумцемент" очиқ акциядорлик жамиятида Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси ва Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида "Фермер хўжаликлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни ривожлантириш орқали аҳолини иш билан таъминлаш" мавзусида республика семинари бўлиб ўтди.

Мазкур уюшманинг вилоятлар ва туманлардаги филиаллари раҳбарлари, олимлар, мутахассислар ҳамда фермерлар иштирок этган ушбу тадбирда Президентимизнинг жорий йил 21 январдаги 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажли-

сидаги маърузаси ҳамда Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик йили муносабати билан амалга оширилмиши лозим бўлган долзарб вазифалар хусусида сўз борди.

Таъкидландики, мамлакатимизнинг аграр секторида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли бугунги кунда қилшоқ мулкдорларида ерга эгаллик ва меҳнатидан манфаатдорлик тўғриси ортиб, улар, том маънода, тармоқнинг етакчи кучига айланиб бормоқда. Республикаимизда ети-

тирилаётган нафақат галла ва пахта, балки мева-сабзавот, чорвачилик маҳсулотларининг асосий қисми улар хиссасига тўғри келаётгани шундан далолат беради. Семинарда бу борада эришилаётган муваффақиятлар қайд этилиши баробарида, фермерлар хўжаликларини қайта ишлашга ихтисослаштириш, уларда

илмий-экспериментал фермер хўжаликлари тadbirkorлигини кенг тартибда таъминлаш ҳамда соҳада ечимини қутаётган муаммоларни бартараф қилиш юзасидан фикрлар алмашилди. Анжуман иштирокчилари, шунингдек, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида бўлиб, бу ерда олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишилди.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Икки мамлакат ўртасида парламентларо ҳамкорлик ҳам йўлга қўйилган бўлиб, у жадал ривожланмоқда. Япония парламентида “Япония демократик партияси — Ўзбекистон” ва “Япония Либерал-демократик партияси — Ўзбекистон” дўстлик лигалари ташкил этилган. Ўзбекистон парламентининг Қонунчилик палатаси таркибиде эса “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси — Япония Парламенти” парламентларо гуруҳи фаолият юритиб келмоқда.

2010 йилнинг декабрида Токиода Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг раиси бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг делегацияси иштирокида биринчи парламентларо форум ўтказилди.

Савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича ҳам ижобий аъёнлар кузатишмоқда. 2009 йилда Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги савдо айланмаси 139 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бугунги кунда Ўзбекистонга Япония томонидан ажратилган молиявий маблағлар ҳажми 2,3 миллиард АҚШ долларидан иборатдир.

Иқтисодий ҳамкорликка доир 1994 йилда тузилган Ўзбекистон — Япония ва Япония — Ўзбекистон кўмиталари иқтисодий муносабатларнинг ривожига улкан ҳисса қўшиб келмоқда. Ушбу икки кўмита томонидан доимий равишда ўтказиб келинаётган қўшма тадбирлар доирасида савдо-иқтисодий ҳамкорликка доир кенг қамровли масалалар муҳокама этилади ҳамда Ўзбекистон билан Япониянинг ушбу йўналишлардаги алоқаларини чуқурлаштиришга оид аниқ тақдирлар ўртага ташланади. Ўзбекистон — Япония ва Япония — Ўзбекистон кўмиталарининг навбатдаги ўнинчи йилгили жорий йилнинг 8 февраль кунин Токио шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган.

1999 — 2001 йиллар давомида Тошкентда Япониянинг халқаро ҳамкорлик бўйича агентлиги (JICA) ва Япония ташқи савдо ташкилотининг

(JETRO) минтақаларо ваколатхоналари ҳамда бегараз техник ёрдам кўрсатиш, иккала томон ишбилармон ва ижтимоий доиралар вакиллари ўртасида алоқалар ўрнатиш, шунингдек, гуманитар соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилувчи Ўзбекистон — Япония маркази очилди.

Ўзбекистонда Япония сармояси иштирокида қўллаб йирик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда “Мицуйи”, “Мицубиси”, “Иточу”, “Марубени” ва бошқа шу каби дунёга машҳур япон корпорацияларининг ваколатхоналари очилди. Иқтисодиёт йўналишидаги сўнгги муваффақиятли ҳамкорликнинг ёрқин мисолларидан бири сифатида Самарқанд автомобиль заводида “Исузу” русумли автобус ва юк машиналарининг ишлаб чиқарилаётганлигини келтириш мумкин.

Япониялик мутахассислар билан ҳамкорликда бир қатор инфратузилмавий лойиҳалар амалга оширилиб, фойдаланишга топширилди. Бу борадаги ишлар кўлами ҳақида гапирганда, 2007 йили ишга туширилган “Тошгузар — Бойсун — Кумкўрғон” темир йўли йўналишини санаб ўтиш ўринлидир.

Икки давлат ўртасида сармоялар киритиш бўйича шартномавий-ҳуқуқий асосни мустаҳкамлаш ишлари ҳам изчил давом этмоқда. 2009 йил сентябрь ойда “Сармояларни либерализация ва ўзаро ҳимоя қилиш ҳамда рағбатлантириш тўғрисида” ҳукуматларо келишув кучга кирди.

2010 йил апрелда Токио шаҳрида “Япониялик ҳамкорлар учун Ўзбекистондаги янги сармоявий имкониятлар” мавзусида тақдимот маросими бўлиб ўтди ва унда Япония корпорациялари, вазириклари, муассасалари ҳамда сийёсий доираларининг 400 нафардан зиёд вакиллари иштирок этди.

2010 йилнинг май ойда Ўзбекистон ва Япония ўртасида “Толлимаржон” иссиқлик электр станциясини модернизация қилиш учун 300 миллион АҚШ доллари миқдорининг

маблағ ажратиш борасида имзоланган битим генерациянинг самардорлигини 30 фоиздан 50 фоизгача ошириш ҳамда углеродлар эмиссиясини қисқартиришга хизмат қилади.

2001 йил апрель ойидан бошлаб Ўзбекистон ва Япония ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновларнинг йўлга қўйилиши халқларимизнинг яқинлашуви ва мамлакатларимиз ўртасида сайёҳлар алмашинувининг ўсишига хизмат қилувчи омиллардан бири бўлди.

Мамлакатларимиз ўртасида маданий-гуманитар соҳада ҳам самарали ҳамкорлик ривожланмоқда. Охириги пайтларда Японияда ўзбек санъат усталарининг бир қатор маданий тадбирлари ўтказилди. Хусусан, Япония парламентида ташкил этилган “Ўзбек фотографиясининг 125 йиллиги” мавзусидаги фото-кўргазма; “Буёқ Ипак йўли” мавзусига бағишланган туркум тадбирлар; “Фукушима — Ўзбекистон” уюшмасининг ташкил топган кунин билан бир вақтда ўтказилган Ўзбекистон маданияти кунлари; “Японияда ўзбек кинеси кунлари”; “Jata World Tourism Congress And Travel Fair — 2010” халқаро сайёҳлик кўргазмаси доирасида “Ўзбекистон сайёҳлик саноатининг тақдимот маросими” каби тадбирларни алоҳида таъкидлаш ўтиш мумкин.

2002 йил Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовга Васеда ва Сока университетларининг фахрий доктори унвонлари берилди. Ўзбек маданиятига ҳурмат юзасидан ва Буёқ қалам соҳибининг ўчмас ижодини эътироф этган ҳолда, 2004 йил Сока

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йил 8 — 10 февраль кунлари Японияга амалга ошириладиган расмий таширифи давомида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш масалалари, шунингдек, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар муҳокама қилинади.

Таширфи якунларига кўра, Ўзбекистоннинг Япония билан турли соҳалардаги ҳамкорлигини чуқурлаштиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Японияга таширифи икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли ва муваффақиятли ҳамкорликнинг янги уфқлари очилишига хизмат қилади.

«Жаҳон» АА.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Вилоятдаги “Sarruna Textiles” Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонасининг фаолияти ҳам диққатга сазовор. Гап шундаки, калава ип, мато ва тайёр кийим-кечак ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган мазкур корхона ўтган йили модернизациялаш асосида замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Бунинг учун

## ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ корхоналар фаолиятидаги ўсиш суръатларида намойён бўлмоқда

14,2 миллион АҚШ долларлик тўғридан-тўғри инвестиция ва “Асака” банкдан 9,9 миллион АҚШ доллари миқдориде маблағ жалб этилди. Натижада якунланган йилда 5,5 миллиард сўмлик махсулот тайёрлашиб, аввалги йилдагига нисбатан 155,8 фоиз ўсишга эришилди, экспорт ҳажми эса 2 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Албатта, махсулотга эҳтиёжнинг ортиси ишлаб чиқаришни янада такомиллаштиришни талаб этади. Шу боис корхона жамоаси 2011 — 2012 йилларда қиймати 2,2 миллион АҚШ долларлик модернизация лойиҳасини рўёбга чиқариш бўйича иш олиб бормоқда. Мазкур лойиҳага биноан, яқин кунларда бўяш цехига Жанубий Корея ва Германиядан янги жиҳозлар келтирилиши мўлжалланмоқда.

Этиборлиси, вилоятда ўтган йилнинг ўзиде хоржий инвестиция иштирокида 13 та янги ишлаб чиқариш қуввати фойдаланишга топширилди. Бу эса, ўз навбатида, ички ва ташқи бозорда қўшимча махсулот турлари пайдо бўлишига замин яратди. Жумладан, айни пайтда “Gulistan-Altay-Impeks” да қишлоқ хўжалиги, “Бек Транс-промбизнес” да қурилиш, “GuliRenTeks” да тўқимачилик, “А.К. — Карпет” да гилам, “Pen Sheng Shoes” да пойабзал, “Pen Sheng Charm” да тери махсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунлар ижросини назорат қилиш, деҳқон ва фермерларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, қишлоқ хўжалигидаги суистеъмолликларга барҳам бериш каби вазифаларни бажариш борасидаги фаолиятининг самардорлигини ошириш лозимлиги белгиланди.

Шу билан бирга, Хайъат мажлисида прокурор назоратининг бошқа йўналишларида ҳам муайян натижаларга эришилганига қайд этилиб, йўл қўйилган камчиликлар қаттиқ танқид остига олинди.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси, соғлигини сақлаш ҳамда шу каби бошқа ҳуқуқларининг кафолатлинишига қаратилган қонунлар ижроси юзасидан айрим вазириклар, давлат кўмиталари, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги эътироф этилиб, бу соҳада назоратни янада кучайтириш ва мутасадди идоралар томонидан йўл қўйилаётган қонунбузилишларни бартараф этишининг

зарур чораларини кўриш топширилди.

2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Давлат дастури, қишлоқда уй-жой қуриш ҳамда ишлаб чи-

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — БОШ МЕЗОН

қариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш орқали аҳоли бандлиги ва турмуш даражасини тубдан оширишга қаратилган қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш ишларини янада фоллаштириш, шунингдек, иқтисодиёт соҳасини тартибга солиш, тўлов ва шартнома интeнзимини мустаҳкамлаш, чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш ва хоржий инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратишга оид қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтириш талаб этилди.

Шунингдек, умумтаълим мактабларининг 9-синф билан турмушларини таъминнинг кейинги босқичига тўлиқ жалб қилиш ҳамда коллеж ва лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш топширилди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютаси оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан тезкор-қидирув имкониятлари-

дан тўлиқ фойдаланиш, яшрин иқтисодий фаолиятга қарши курашиш борасидаги камчиликлар танқид қилинди, бу йўналишдаги ишларни кучайтириш кўрсатиб ўтилди.

Ҳуқуқни муҳофазга қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолияти мувофлаштирилиб, улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик таъминлаши келинганига қарамасдан, республика бўйича айрим жиноят турлари ошган.

Мажлисида жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолият устидан назоратни кучайтириш, унинг олдини олишга қаратилган тадбирлар самарадорлигини ошириш ҳамда профилактика қилишнинг қатъий чораларини кўриш, бу жараёнда жамоатчилик имкониятларидан кенг фойдаланиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, жиноят ишлари юзасидан дастлабки тергов олиб бориш, жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни ҳал этиш борасида йўл қўйилган камчиликлар танқид қилиниб, тергов сифатини ошириш, жиноятларни марказлашган ҳисобдан яшириш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган топшириқлар берилди.

Мажлисида кадрларни танлаш, тайинлаш, тарбиялаш, шунингдек, уларнинг масъулияти ва шахсий жоабгарлигини кескин ошириш бўйича фаолиятни янада яхшилаш ҳақида қатъий талаблар қўйилди.

Бош прокурор томонидан вилоят, туман прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, тегишли тармок раҳбарлари, шунингдек, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент ҳамда унинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари бошликларини олдинга қонунлар ижроси устидан таъсирчан назоратни таъминлашда масъулиятни янада ошириш борасида қатор вазифалар қўйилди.

Бош прокуратура Матбуот хизмати.

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларида қонун ривожланишининг “ўзбек модели” асосида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотларнинг таркибий қисми сифатида ахборот тизимини ислоҳ этиш, сўз эркинлигини таъминлаш масаласига ҳам устувор вазифа сифатида қараб келинаётимиз. Зеро, ахборот эркинлигини таъминлашда, ОАВни одамлар ўз фикр ва муносабатини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, улугвор мақсадларга эришиш қийин.

## АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Дарҳақиқат, юртимизда омвий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотларнинг очкилиги ва ошқоралигини таъминлаш, унга илгор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга қаратилган ўнлаш йиллик ҳужжатларни қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Айни чоғда соҳа қонунчилигини халқаро андоза ва замон талабларига мос равишда такомиллаштиришга катта эътибор берилмапти. Бунда умумэтироф

### Концепция: устувор вазифалар

этиланган таъминлаш фаолиятини амалга оширишга қаратилган тадбирларни кенг қамровли рақамли технологиялар жорий этилаётганлиги кундан-кунга келиб, ахборот бозориде 80 дан зиёд электрон омвий ахборот воситаси, шу жумладан, 60 та телеканал ва 20 та радиоканал фаолият юритаётгани ҳам шундан далолат бериб турибди. Аммо бугунги кун талабларидан келиб чиқиб айтганда, булар етарли эмас. Шундай экан, телерадио тизимига рақамли технологиялар жорий этилаётган ҳозирги кунда соҳанинг ҳуқуқий асосини шунга мос равишда ривожлантириш аниқ мурдадир.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан муайян ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, кўмитамизнинг кенгайтирилган йилгилишида қатнашган қуйи палата депутатлари, эксперт ва олимлар, ОАВ вакиллари фикрлари

жамоатчиликни ҳаққоний ва теозор ахборот билан таъминлаш, омвий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш имконини беради.

Концепцияда медиабозорнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган телерадио тизимини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва ривожлантиришга қаратилган “Телерадиоэшиштиришлар тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш, “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги қонунни янада такомил-

лаштиришга алоҳида эътибор берилди. Чунки телевидение ва радионинг юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни ҳар бир фуқарога етказишдаги ўрни тобора ошиб бормоқда. Бугунги кунга келиб, ахборот бозориде 80 дан зиёд электрон омвий ахборот воситаси, шу жумладан, 60 та телеканал ва 20 та радиоканал фаолият юритаётгани ҳам шундан далолат бериб турибди. Аммо бугунги кун талабларидан келиб чиқиб айтганда, булар етарли эмас. Шундай экан, телерадио тизимига рақамли технологиялар жорий этилаётган ҳозирги кунда соҳанинг ҳуқуқий асосини шунга мос равишда ривожлантириш аниқ мурдадир.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан муайян ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, кўмитамизнинг кенгайтирилган йилгилишида қатнашган қуйи палата депутатлари, эксперт ва олимлар, ОАВ вакиллари фикрлари

таҳлил қилиниб ва кўмитанинг Харақат дастури ишлаб чиқилди. Ҳозир мазкур дастур асосида ОАВнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришга қаратилган тадбир ва назорат-таҳлиллар ўтказилаётимиз. Масалан, яқинда “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонунларнинг давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг ахборот хизматлари томонидан қандай ижро этилаётгани ўрганиб чиқилди.

Янги назорат-таҳлил жараёнида 66 та давлат ва хўжалик бошқаруви идорасига сўровномалар юборилди ҳамда 9 та давлат ва хўжалик бошқаруви идораси, 2 та вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати фаолияти жойларнинг ўзиде таҳлил қилинди.

Шунингдек, Қарши шаҳрида сўз эркинлиги ва ОАВ масъулиятига бағишланган минтақавий анжуман ўтказилганлигини таъкидлаш лозим. Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Самарқанд ва Бухоро вилоятда фаолият олиб бораётган ОАВ вакиллари иштирок этган тадбирда омвий ахборот воситаларининг вазифалари, улар олдинга қўйилаётган талаблар, ҳудудий наشرларда ишлаётган ходимлар маҳорати, билим ва истеъдодини ошириш ҳамда ахборот тўплаш, уни оммага етказиш усуллари муҳокама этилди. Бундай урчушув ва назорат-таҳлиллар чоғида тўпланган тасвия ва тақлифлардан Президентимиз томонидан илгари сурилган қонунларни ишлаб чиқаришда умумий фойдаланиш ниятидаимиз.

Д. ХОЛИҚОВА,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси аъзоси.

## НАМУНАЛИ МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИ

Уларнинг юртимиз осойишталигини таъминлашдаги ўрни тобора ошиб бормоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Пировардида Тошкент, Фарғона, Навоий ва Хоразм вилоятлари жамоалари ўз ҳудудлари бўйича 1-ўринга лойиқ деб топилди. Уларга “Matiz” автомашиналари топширилди. Кейинги ўринларни эгаллаган жамоаларга компьютер жамланмалари, телевизор ва турли қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

— Жамоамизнинг ғалабасидан ниҳоятда қувондик, — дейди Марғилон шаҳридаги “Тоғлик” маҳалла фуқаролар йиғинига хизмат кўрсатувчи 152-милиция таянч пункти посбони Р. Мирзаахмедов. — Зеро, бу 3 минг нафардан кўпроқ аҳоли истикомат қилидиган маҳалламизда ютуғидир. Бугунги кунда маҳалладошларимизнинг 1000 нафари таянч пункти атрофидаги кичик бизнес шоубочаларида меҳнат қилмоқда. Бу ерда тикувчилик ва макарон цехидан ташқари, мискарлик, кулоллик, пичоқчилик ҳунарла-

ри тобора ривожланиб бораётганлигини айтиш зарур. Бундан ташқари, ҳудудимизда футбол, теннис ва баскетбол майдончалари ёшлар билан доимо гавжум. Энг муҳими, бу сайёҳ-харакатлар тўғрисида йилги маҳалламизда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатлари рўй бермади.

Кўрик-танловда, шунингдек, “Энг маҳоратли профилактика инспектори”, “Еш авлод ҳимоячиси”, “Баркамол авлод етакчиси”, “Ташаббускор маҳалла посбони”, “Энг фидойи маҳалла раиси”, “Фол маърифатпарвар масъул”, “Ибратли хотин-қизлар комиссияси раиси”, “Адолатли яраштириш комиссияси” номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов сўзга чиқди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ ВА КЕНГ ҚўЛАМЛИ ЛОЙИҲАЛАР



2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Президентимизнинг йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида иқтисодиётнинг тез ўзгариш турмуш бозор талабларига жавоб беришнинг таъминлайдиган замонавий тузилмаларини шакл-

лантириш, янги иш ўринларини ташкил қилиш ҳамда аҳоли даромадларини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг аҳамияти ниҳоятда юқори эканлиги алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, юртимизда мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилган эътибор ва гамхўрлик тўғрисидаги қарорларимиз импорти ўрнини босувчи турфа махсулотлар билан бойимокда. Бу, ўз навбатида, истеъмолчиларга танлаш им-

Натижада ўтган йилга келиб, жамаиятда ишчилар сонин 45 нафарга, махсулотлар тури 40 тага, ишлаб чиқариш ҳажми 990 тоннага етди. Тошкент, Андижон, Гулистон шаҳарлари ва республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги қўллаб йирик

қурилиш ташкилотлари ҳамда аҳолига сотилган махсулотлар миқдори эса 1,1 миллиард сўмдан ошди. Зеро, махсулотларнинг Европа стандартлари асосида, юртимиз иқлим шароитига мос равишда ишлаб чиқарилаётгани, қолаверса, республикамизда кенаётган улкан қурилиш жараёни уларга бўлган эҳтиёжнинг тобора оширмоқда.

— Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг хар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, шунингдек, бошқа ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчилар билан алоқаларни мустаҳкамлашга имконият яратиб берилаётгани аниқ мурдадо бўлмоқда, — дейди корхона раҳбари Авазбек Каримов. — Бунда, айниқса, аъёнанинг тарзда ўтказилаётган Саноат ярмаркаси

ва Кооперация биржаси муҳим аҳамият касб этаётимиз. Масалан, биз ушбу тадбирнинг ўтган йилгилишида 1 миллиард сўмликдан зиёд шартнома имзоланган эдик. Айни пайтда унинг ижросини таъминлаш ҳаракатидаимиз.

Дилшо УЛУГМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТДА: корхона фаолиятидан лавҳа. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.



